

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва “Master Media Production and Broadcast” МЧЖ (“Sevimli” TV) ўртасида ўзаро ҳамкорлик
МЕМОРАНДУМИ**

2020 йил “ ____ ” июль

Тошкент шаҳри

I. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Б.Бегалов бир томондан, “Master Media Production and Broadcast” МЧЖ (кейинги ўринларда “Sevimli” TV деб юритилади) Бош директори Ж.Сафоев иккинчи томондан мамлакатимизда давлат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш, Давлат статистика қўмитаси тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидан кенг жамоатчиликни тезкор суръатда хабардор қилиш, маълумотлар ва ахборот материалларини телеканал ва унинг ахборот дастурлари ҳамда веб-сайтига етказиш мақсадида ҳамкорлик амалга оширилади.

II. Меморандумнинг мақсади

Мамлакатимизда давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солишни амалга ошириш, Давлат статистика қўмитаси тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, инновацион янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва нашр қилишда ўзаро ҳамкорлик қилишдан иборат.

III. Ҳамкорлик шакллари

Томонлар давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини статистика маълумотлари билан белгиланган тартибда таъминлаш, ушбу йўналишга оид янгилликларни жамоатчиликка етказиш, сўровга асосан эксклюзив маълумотлар тақдим этиш, соҳага оид алоҳида кўрсатувлар ёки кўрсатувлар туркумини яратиш, расмий баёноتلар ва интервьюларни ташкил этиш, хизматга оид амалий жараёнда қатнашиш, олдиндан келишилган ҳолда ижодий гуруҳларга маъмурий объектларда ишлашга шароит яратиб бериш ва хоказо шаклларда ҳамкорликни амалга оширадилар.

IV. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро келишуви асосида фақат ёзма равишда киритилади, белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Қўшимча ва ўзгартиришлар меморандумнинг узвий қисми ҳисобланади.

V. Низоларни ҳал этиш

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашувлар ва/ёки музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

VI. Яқуний қоидалар

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва ушбу йил якунига қадар амал қилади.

Томонлар келишуви ўзгармаган ҳолда ушбу муддат кейинги уч йиллик муддатга узаяди.

Мазкур банд қоидаларидан қатъий назар, томонларнинг бири бошқа томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш тўғрисида бир ой олдин ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мумкин.

Меморандум бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
раиси Б.Бегалов



Master Media Production and
Broadcast" МЧЖ ("Sevimli" TV)

Бош директори
Ж. Сафоев

